

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

4 “ май 201 й. г. № 336

Тошкент ш. – г. Ташкент

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига ўқишга қабул қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 августдаги ПҚ–3206-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари учун истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида (кейинги ўринларда Институт деб аталади) ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курсларига қўйиладиган давлат талаблари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Институтга истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш курси бўйича бир ўқув йилига мўлжалланган қабул квотаси 120 нафар (биринчи ярим йилликда 60 нафар тингловчилар қабул қилинади) ва ўқув жараёни тўрт ой этиб белгиланади ҳамда малака ошириш курсларининг қабул квотаси буюртма асосида ташкил этилиб, унинг ўқув жараёни муддати бир ойгачани ташкил қилади;

қабул квоталарига мувофиқ тингловчиларни қайта тайёрлаш, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи буюртмаси асосида ташкил этиладиган малака ошириш ўқув курслари билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Институтда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, жамоат ташкилотларининг буюртмаси, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўлов-контракт асосида малака ошириш ўқув курслари ташкил этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Институтнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув режалари ҳамда дастурларини шакллантиришда амалий ёрдам берилишини таъминласин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 4 май даги 336-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини
ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига
тингловчиларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига (кейинги ўринларда Институт деб аталади) ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Институтга тингловчиларни ўқишга қабул қилиш қайта тайёрлаш (тўрт ойлик) ва малака ошириш (бир ойгача) шаклида амалга оширилади.

3. Институтга тингловчиларни қайта тайёрлаш бўйича қабул қилишнинг ҳар йилги квотаси 120 нафар (биринчи ярим йилликда 60 нафар тингловчилар қабул қилинади) этиб белгиланади.

4. Институтнинг малака ошириш ўқув курсларига тингловчиларни қабул қилишнинг ҳар йилги квотаси Институт билан келишилган ҳолда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши (кейинги ўринларда Ёшлар иттифоқи деб аталади) томонидан белгиланади.

5. Институтнинг қайта тайёрлаш ўқув курслари битирувчилари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари тизимларидаги раҳбар кадрлар захирасига киритилади ҳамда Институт ва Ёшлар иттифоқи томонидан уларнинг лавозими ошиши мониторинги юритилади.

Малака ошириш ўқув курслари битирувчилари иш фаолиятидан келиб чиққан ҳолда юқори лавозимларга тавсия этилиши мумкин.

2-боб. Институтнинг қайта тайёрлаш ўқув курсларига қабул қилиш

6. Институтнинг қайта тайёрлаш ўқув курсларига 30 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, олий маълумотли ва олий таълим муассасасини тугатгандан кейин камида 2 йил иш стажига эга бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари раҳбар ходимлари ва мутахассислари тест синови ва суҳбат орқали очик танлов асосида қабул қилинади.

7. Тингловчиларни Институтнинг қайта тайёрлаш ўқув курсларига қабул қилиш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схема бўйича амалга оширилади.

8. Тингловчиларнинг Институтдаги ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш даврида эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

9. Қайта тайёрлаш ўқув курсларига очик танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар қабул қилинади. Тингловчиларни қабул қилиш Институт директорининг буйруғи билан амалга оширилади.

10. Тингловчиларни қайта тайёрлаш ўқув курслари билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11. Қайта тайёрлаш ўқув курсларига қабул қилишни ташкил этиш учун Қабул комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) тузилади.

Комиссия аъзоларининг сони, таркиби ва унинг иш регламенти Институт директори томонидан тасдиқланади.

12. Комиссия тингловчиларни тест синови ва суҳбат ўтказиш йўли билан қайта тайёрлаш ўқув курсларига қабул қилишни ташкил этади.

13. Номзодлар Комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг биринчи раҳбарлари имзоси билан тавсиянома;

Институт директори номига ёзилган ариза;

сўровнома, маълумотнома-объективка (яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда);

олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ва иловасининг нусхаси, топширишда ҳужжатнинг асл нусхаси кўрсатилади;

меҳнат дафтарчасининг нусхаси;

086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

3,5 x 4,5 ўлчамли 6 та рангли фотосурат;

паспорт нусхаси, топширишда ҳужжатнинг асл нусхаси кўрсатилади.

Ҳужжатларга номзоднинг иш фаолияти давомидаги муайян ютуқларини (мукофотлари, ихтиро патентлари ва бошқа эришилган ютуқларини) акс эттирувчи ҳужжатлар нусхалари илова қилиниши мумкин.

14. Институтнинг қайта тайёрлаш ўқув курсларига номзодлар ҳужжатларини қабул қилиш бўйича эълон Институт ва Ёшлар иттифоқининг веб-сайтларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

15. Комиссия номзодларнинг ҳужжатларини ҳужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилади.

16. Комиссия томонидан ҳужжатлар қабул қилиш тугагандан сўнг, беш иш куни мобайнида Низомнинг 12-бандига мувофиқ номзодлар ҳужжатларини ўрганади, кириш синовларига рухсат берилган номзодлар рўйхатини шакллантиради ҳамда Институт ва Ёшлар иттифоқининг веб-сайтларида эълон қилади.

17. Институтнинг қайта тайёрлаш ўқув курсларига кириш синовлари тест ва суҳбат шаклида ўтказилади. Кириш синовлари номзодларнинг танловига кўра икки тилда – давлат тилида ёки рус тилида ўтказилади.

18. Тест синови Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади) томонидан ўтказилади.

Институт Давлат тест маркази билан келишган ҳолда кириш синовларига рухсат берилган кундан бошлаб, йигирма кун мобайнида тест синовларини ўтказиш учун шартнома тузади, тест синовлари ўтказиладиган кунни белгилайди ҳамда тест синовларини ўтказиши.

19. Тест синови саволлари Ўзбекистон тарихи, иқтисодиёт назарияси ва ҳуқуқшунослик фанларидан Давлат тест маркази томонидан белгиланган талаблар асосида Институт томонидан тузилади.

Ҳар бир фан бўйича 20 тадан савол тузилади. Ҳар бир саволнинг тўғри жавоби учун 1,5 балл белгиланади.

Тест синови учун 90 дақиқа вақт ажратилади.

Тест синови натижалари бўйича 67,5 баллдан (75 фоиз) юқори балл олган номзодлар суҳбатдан ўтишга тавсия этилади.

20. Тест синови натижалари тест ўтказилган кундан сўнг уч кун мобайнида эълон қилинади.

21. Номзодлар билан суҳбат Комиссия томонидан тест натижалари эълон қилинган кундан сўнг уч иш куни мобайнида ўтказилади.

22. Суҳбат номзодларнинг бошқарув қобилияти, ижтимоий ва маънавий - ахлоқий даражаси, психологик барқарорлиги, ташкилотчилиги, етакчилиги, ватанпарварлик хусусиятларини ва жамоа билан ишлаш қўникмаларини аниқлашга қаратилади.

23. Суҳбат икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмда номзоднинг вазиятлар таҳлили, иккинчи қисмда салоҳияти, билим савияси ва дунёқараши баҳоланади.

Суҳбат жараёни ҳар бир номзод учун суҳбат варақаси билан баҳоланиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади.

Суҳбатда энг юқори балл – 60 балл этиб белгиланади.

Суҳбат натижалари бўйича 45 баллдан (75 фоиз) юқори балл тўплаган номзод суҳбатдан муваффақиятли ўтган ҳисобланади.

Ҳар бир номзод учун суҳбатга 15 дақиқагача вақт ажратилади.

Суҳбат жараёни видеотасвирга олинади.

24. Суҳбат ўтказилган кундан сўнг уч иш куни мобайнида тест синовлари ва суҳбат натижаси (балл) умумлаштирилиб, ҳар бир номзоднинг умумий баллари тегишли баҳолаш варақларида қайд этилади ҳамда Институт ва Ёшлар иттифоқининг веб-сайтида эълон қилинади.

25. Тест синовлари ва суҳбат натижалари бўйича энг юқори балл олган 60 нафар номзодлар уч иш куни мобайнида Комиссия қарори асосида Институт директорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

Қабул натижаларига кўра номзодлар тўплаган баллар тенг бўлган тақдирда, суҳбат натижаларига кўра юқори балл тўплаган номзод имтиёзга эга бўлади. Агар суҳбат натижасига кўра бир хил баллга эга бўлган номзодлар бўлса, уларнинг қўлга киритган ютуқлари эътиборга олинади.

26. Институтнинг қайта тайёрлаш ўқув курсларига кириш тест синовлари ва суҳбат натижалари юзасидан номзодларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун Институт директорининг буйруғига асосан Апелляция комиссияси ташкил этилади.

27. Апелляция комиссиясига тест синови ҳамда суҳбат натижалари эълон қилинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида Апелляция комиссияси раиси номига номзодлар томонидан шикоят берилиши мумкин.

Апелляция комиссияси тақдим этилган шикоятларни улар келиб тушган кундан бошлаб уч кун муддатда кўриб чиқади.

3-боб. Институтнинг малака ошириш ўқув курсларига қабул қилиш

28. Институтда Ёшлар иттифоқи буюртмаси асосида қуйидаги малака ошириш ўқув курслари ташкил этилади:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг ёш истиқболли кадрлари малакасини ошириш;

Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда Етакчилар Кенгаши раислари малакасини ошириш.

29. Малака ошириш ўқув курсларига тингловчиларни қабул қилиш Институт ва Ёшлар иттифоқи томонидан белгиланган квота доирасида амалга оширилади.

Ҳар йил бошида Ёшлар иттифоқи ва Институтнинг малака ошириш ўқув курсларига белгиланган квотага мувофиқ тингловчилар контингентини аниқлайди ҳамда Институт томонидан йилнинг ҳар чораги якунига қадар тингловчиларнинг ўқиш йўналишлари ва эгаллаб турган лавозимига кўра режа - жадвал тасдиқланади.

Ташкил этиладиган малака ошириш ўқув курслари билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

30. Тингловчиларни Институтнинг малака ошириш ўқув курсларига қабул қилиш ушбу Низомнинг 2-иловасидаги схема бўйича амалга оширилади.

31. Ўқув курсларини тугатган тингловчиларга белгиланган тартибда тегишли сертификат берилади.

32. Номзодлар Институтнинг малака ошириш ўқув курсларига қабул қилиниши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

иш жойидан тавсиянома;

Институт директори номига ёзилган ариза;

сўровнома, маълумотнома-объективка (яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда);

маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси, ҳужжатларни топширишда ҳужжатнинг асл нусхаси кўрсатилади;

086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

3,5 x 4,5 ўлчамли 4 та рангли фотосурат;

паспорт нусхаси, топширишда ҳужжатнинг асл нусхаси кўрсатилади.

33. Институтнинг малака ошириш ўқув курсларига тингловчиларни қабул қилиш директорнинг буйруғи билан амалга оширилади.

4-боб. Институтнинг малака ошириш ўқув курсларига тўлов-контракт асосида қабул қилиш

34. Институтнинг малака ошириш ўқув курслари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг буюртмасига биноан тўлов-контракт шартномаси асосида ташкил этилади.

35. Шартнома шартлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тўловларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланади.

36. Институт ва номзод (ташкилот) ўртасида тўлов-контракт асосида ўқиш юзасидан тегишли шартнома тузилади.

37. Тингловчиларни Институтнинг малака ошириш ўқув курсларига қабул қилиш ушбу Низомнинг 3-иловасидаги схема бўйича амалга оширилади.

38. Малака ошириш ўқув курслари билан боғлиқ харажатлар Институт ва номзод (ташкилот) билан келишилган ҳолда белгиланади ва номзод (ташкилот) томонидан қопланади.

39. Институтнинг малака ошириш ўқув курсларига тингловчиларни қабул қилиш тегишли тўлов-контракт шартномасида назарда тутилган маблағни белгиланган муддатда тўлагандан сўнг, директорнинг буйруғи билан амалга оширилади.

Ўқув курсларини тугатган тингловчиларга белгиланган тартибда тегишли сертификат берилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

40. Мазкур Низомда белгиланган масалалар юзасидан низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

41. Тингловчи Институтнинг ўқув курсидан қуйидаги ҳолатларда четлаштирилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

ўқув интизомини ва Институтнинг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

ўқиши давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан (малака ошириш ўқув курслари учун 18 соат) ортиқ қолдирганлиги учун;


дарсларни ўзлаштира олмаганлиги учун;

суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

вафот этганлиги сабабли.

42. Институт фаолиятини мувофиқлаштириб бориш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Институтнинг қайта тайёрлаш ўқув курсларига қабул қилиш СХЕМАСИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси
кошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истикболли кадрларни тайёрлаш
институтига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Институтнинг малака ошириш ўқув курсларига қабул қилиш СХЕМАСИ

1-босқич		2-босқич	3-босқич	4-босқич	5-босқич	6-босқич
Тингловчилар контингентини шакллантириш		Режа - жадвални тасдиқлаш	Номзодлар ҳужжатларини қабул қилиш	Ўқув курсларига тингловчиларни қабул қилиш	Тингловчилар учун ўқув жараёни	Ўқув жараёни якуни
Ёшлар иттифоқи	Институт	Институт	Институт	Институт	Институт	Институт
Малака ошириш ўқув курсларига белгиланган квотага мувофиқ тингловчилар контингентини аниқлайди	Буюртманома асосида эгаллаб турган лавозимига кўра ўқиш йўналишлари бўйича малака ошириш курслари тингловчилари контингентини шакллантиради	Режа-жадвални ўқиш йўналишлари ва эгаллаб турган лавозимига кўра тингловчилар контингентини ҳисобга олган ҳолда шакллантиради ва тасдиқлайди	Мазкур Низомнинг 31-бандига асосан номзодлар ҳужжатларини қабул қилади	Малака ошириш ўқув курсларига тингловчиларни қабул қилиш бўйича Институт директорининг буйруғи чиқарилади	Тингловчиларнинг малака ошириш ўқув курсларидаги ўқув жараёни	Ўқув курсларини тугатган тингловчиларга сертификат берилади
Ҳар йил бошида		Йилнинг ҳар чораги якунига қадар	2-босқич якунлангандан сўнг	3-босқич якунлангандан сўнг	Бир ойгача	Курслар тугаллангач

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси
қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истикболли кадрларни тайёрлаш
институтига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Институтнинг малака ошириш ўқув курсларига тўлов-контракт асосида қабул қилиш СХЕМАСИ

1-босқич		2-босқич	3-босқич	4-босқич	5-босқич	6-босқич
Тингловчилар контингентини шакллантириш		Шартнома тузиш	Шартнома шартларини бажариш	Ўқув курсларига тингловчиларни қабул қилиш	Тингловчилар учун ўқув жараёни	Ўқув жараёни якуни
Номзод (ташкилот)	Институт	Институт ва номзод (ташкилот)	Номзод (ташкилот)	Институт	Институт	Институт
Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг буюртмасига асосан тўлов-контракт шартномаси (шартнома шартлари, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тўловларни амалга ошириш тартиби) белгиланади		Институт ва номзод (ташкилот) ўртасида тўлов-контракт асосида ўқиш юзасидан тегишли шартнома тузилади	Тўлов-контракт шартномасида назарда тутилган маблағ белгиланган муддатда тўланади	Малака ошириш ўқув курсларига тингловчиларни қабул қилиш бўйича Институт директорининг буйруғи чиқарилади	Тингловчиларнинг малака ошириш ўқув курсларидаги ўқув жараёни	Ўқув курсларини тугатган тингловчиларга сертификат берилади
Буюртмачи муддатига кўра		1-босқич якунлангандан сўнг	2-босқич якунлангандан сўнг	3-босқич якунлангандан сўнг	Бир ойгача	Курслар тугаллангач

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 3 май даги 336 -сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институтида ташкил этиладиган қайта тайёрлаш
ва малака ошириш ўқув курсларига қўйиладиган
ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу давлат талаблари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида (кейинги ўринларда Институт деб аталади) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари (кейинги ўринларда буюртмачи деб аталади) кадрларини қайта тайёрлаш ва кадрлар малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларини белгилайди.

2. Давлат талаблари Институтда истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув курсларида ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартибини белгилаш учун асос ҳисобланади.

3. Истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув курсларининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

замонавий билим, кўникма, малака ва компетентлигини шакллантириш ва унинг касб ва лавозимларга мувофиқлиги;

замонавий бошқарув технологияларига таяниш;

таълим дастурлари мазмунининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш турлари ва шаклларига мувофиқлиги.

4. Истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув курсларининг ўқув юқламасида маърузалар ҳажми умумий аудитория соатининг 40 фоизидан ошмаслиги керак.

5. Қайта тайёрлаш ўқув курсларида ўқиш касбий фаолиятдан ажралган ҳолда, малака ошириш ўқув курсларида ўқиш касбий фаолиятдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда, шунингдек масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида амалга оширилиши мумкин.

2-боб. Истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ўқув курслари

6. Истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ўқув курслари – тингловчини мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизация қилиш, давлат ва жамият бошқаруви соҳасида халқаро стандартлар ва талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган таълим дастурлари асосида

ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш бўйича янги зарурий ҳамда етарли билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, янги касбий фаолиятга йўналтиришдан иборат.

7. Қайта тайёрлаш ўқув курсларининг ўқув юкламаси Институт томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланадиган ўқув режа ва дастурлари асосида белгиланади, улар Институт Илмий кенгашида тасдиқланади. Ўқув юкламасини режалаштиришда асосий эътибор тингловчиларнинг мустақил таълимига қаратилади.

8. Қайта тайёрлаш муддати ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 16 ҳафта (амалиёт (стажировка) ўташни ҳисобга олган ҳолда, жами 576 соатдан кам бўлмаган ҳажм)ни ташкил этади. Аудитория машғулотлари ҳафтасига 36 соатдан, ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соатдан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.

9. Қайта тайёрлаш ўқув курсини тўлиқ ўзлаштирган ҳамда малакавий амалиёт (стажировка)ни муваффақиятли ўтаган тингловчилар якуний аттестацияга киритилади.

10. Қайта тайёрлаш ўқув курсини ўзлаштирган ва якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган тингловчиларга мазкур давлат талабларининг 1-илоvasида белгиланган намунадаги диплом берилади.

3-боб. Малака ошириш ўқув курслари

11. Малака оширишнинг мақсади – тегишли таълим турлари бўйича Давлат талабларидан келиб чиққан ҳолда, малака ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш орқали касбий маҳоратнинг ўсишини таъминлашдан иборат.

12. Малака ошириш ўқув курсларининг ўқув юкламаси ҳажми Институт томонидан буюртмачи билан келишган ҳолда тасдиқланадиган ўқув режаси асосида белгиланади.

13. Малака ошириш ўқув курсларининг дастурлари 18 соатдан кам бўлмаслиги лозим. Малака ошириш ўқув курсларининг муддатлари, ўқув режаси ва фан дастурлари буюртмачи билан келишган ҳолда Институт Илмий кенгашида тасдиқланади.

14. Малака ошириш ўқув курсларини тўлиқ ўзлаштирган тингловчилар якуний аттестацияга киритилади. Бунда якуний аттестацияни ўтказиш тартиби Институт томонидан малака ошириш ўқув курсларининг давомийлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Малака ошириш ўқув курсини ўзлаштирган ва якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган тингловчиларга мазкур давлат талабларининг 2-илоvasида белгиланган намунадаги сертификат берилади.

4-боб. Малакавий амалиёт (стажировка)ни ўташ

15. Малакавий амалиёт (стажировка)ни ўташ – таълимнинг илм-фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, бошқарувчилик малакаси ва кўникмасини амалий жиҳатдан узлуксиз такомиллаштириб боришни таъминлаш, ёшлар

муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш соҳасидаги янги ютуқлар билан таништириш мақсадида аниқ йўналишлар бўйича касбий таълим дастурларини ўзлаштиришдан иборат.

16. Малакавий амалиёт (стажировка) ўташ – давлат, нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектларида тингловчиларининг назарий ва амалий билимлари, малака ҳамда кўникмаларини чуқурлаштиришга қаратилган.

17. Қайта тайёрлаш ўқув курси тингловчиларининг малакавий амалиёт (стажировка)ни ўташ тартиби Институт томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Иттифоқ билан келишилган ҳолда белгиланади ва Институт Илмий кенгашида тасдиқланади.

18. Иттифоқ билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган дастурлар асосида тингловчиларнинг хорижий давлатлар таълим муассасаларида ва давлат органларида малакавий амалиёт (стажировка)ни ўташлари ташкил этилиши мумкин.

5-боб. Тингловчиларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий талаблар

19. Қуйидаги мавзулар ва муаммолар истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув курслари тингловчиларининг тайёргарлигига қўйиладиган умумий талаблар доирасига киради:

ёшларга оид давлат сиёсати, ёшлар муаммолари;

давлат ва жамият бошқарувининг конституциявий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари;

Давлат бошқаруви тарихи, Ўзбекистонда давлатчилик тарихи;

бошқарувнинг миллий-маънавий негизлари ва ахлоқий жиҳатлари;

фуқаролик жамияти асослари, фуқаролик жамияти институтлари ва ижтимоий шериклик;

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳияти ва аҳамияти;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш;

стратегик менежментни ва инсон ресурсларини бошқариш;

ахборот хавфсизлиги ва мафкуравий таҳдидлар;

бошқарув психологияси;

лидерлик психологияси;

бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолай олиш;

аниқ вазиятлар таҳлилида муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал қилишнинг усулларини белгилай олиш ва кутилаётган натижаларни баҳолай олиш;

раҳбар шахси ва раҳбарлик услублари;

лойиҳавий бошқарув;

ахборот-таҳлилий фаолият асослари;

жамоадаги психологик жараёнлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизими ва фаолият йўналишлари;

тизимли таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш, бошқарув тамойиллари ва механизмлари тўғрисида назарий билимлар;

вазиятлар таҳлили ва босқичлари ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга ошириш усуллари;

низоларни ҳал этиш технологиялари;

ходимларни баҳолаш ва шахсинг ўз-ўзини бошқариш услублари;

жамоага таъсир этиш услублари;

оммавий мулоқот ва нотиклик маҳорати;

бошқарувни ташкил қилиш ва самарали амалга ошириш;

вазиятлар бўйича таҳлилий фикрлаш ҳамда стратегик режалаштириш;

бошқарув қарорларини қабул қилиш;

ташкилот маданиятини шакллантириш ва бошқариш;

масъулиятни ҳис қилиш, ташаббускорлик ва қатъиятлилиқ;

вазиятни объектив баҳолаш ва назорат қилиш;

ўз мақсад ва вазифаларини аниқ ифодалай олиш;

жамоада уйғун муҳитни шакллантира олиш;

ташкилот фаолиятига таъсир кўрсатувчи шароит ўзгаришларини олдиндан англаш ва баҳолаш;

ташкилотнинг ички имкониятларини таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни ечишнинг самарали йўллари топиш;

ташкилотнинг инновацион фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

энг илғор тажрибалар ва янгиликларни муваффақиятли ўзлаштиришни ташкил этиш;

ташкилотчилик, шахсий ташаббускорлик, қарорлар қабул қилиш, музокаралар олиб бориш;

ўз фикрларини ҳам ёзма, ҳам оғзаки баён этиш компетенцияларига эга бўлиш;

идоравий бошқарув ва иш юритиш технологиялари;

кадрларни бошқаришнинг инновацион усуллари;

молиявий фаолият бошқаруви.

6-боб. Таълим сифатини назорат қилиш

20. Истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув курслари сифатини назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

Институтда тасдиқланган тегишли ички-тартиб қоидалар асосида ўқув жараёни даврида амалга ошириладиган ички назорат;

қайта тайёрлаш ўқув курси тингловчиларининг фанлар бўйича аттестацияси ва битирув малакавий иши ҳимоясига қаратилган якуний давлат назорати;

ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари, кадрлар буюртмачилари томонидан олиб бориладиган давлат-жамоатчилик назорати;

таълимни бошқаришга ваколатли орган томонидан амалга ошириладиган ташқи назорат.

7-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курслари тингловчиларини аттестациядан ўтказиш

21. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курслари тингловчиларини аттестациядан ўтказиш бўйича Институт директорининг буйруғи билан аттестация комиссияси тузилади.

22. Аттестация комиссияси қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курслари тингловчиларини қуйидаги шаклларда аттестациядан ўтказди:

қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун битирув малакавий иши ҳимояси;

малака ошириш ўқув курслари тингловчилари учун курс иши ҳимояси.

23. Аттестация комиссиясининг қарори қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курсларини муваффақиятли якунлаган тингловчиларга белгиланган намунадаги диплом ёки сертификат бериш тўғрисидаги Институт директори буйруғини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

24. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан ўтмаган тингловчилар бир йил мобайнида пулли асосда кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курси якунида аттестациядан ўтиши мумкин.

Истиқболли кадрларни Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини такроран ўзлаштириши асосий ишдан ажралмаган ҳолда ўқув курсларининг дастурларини мустақил равишда ёки масофадан ўқитиш усуллари орқали ўзлаштириш асосида амалга оширилади.

Мустақил равишда ёки масофадан ўқитиш усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курсларининг дастурлари бўйича тайёрланиб келган тингловчилар якуний аттестацияга киритилади.

25. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курсларида узрсиз сабабларга кўра дарс қолдиргани учун тингловчилар сафидан чиқарилган тингловчилар пулли асосда қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курсидан такроран ўтиши ҳамда кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида аттестациядан ўтиши мумкин.

8-боб. Якунловчи қоида

26. Мазкур Давлат талабларига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари эҳтиёжларини ўрганишдан, истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этишдан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви Академияси
кошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истикболли кадрларни тайёрлаш
институтида ташкил этиладиган қайта
тайёрлаш ва малака ошириш курсларига
қўйиладиган давлат талабларига
1-илова

Ўзбекистон Республикасининг
Давлат герби

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Qayta tayyorlash
haqida

DIPLOM
QT № 000000

(Tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20 __ yil “ __ ” _____ dan 20 __ yil “ __ ” _____ gacha

(Qayta tayyorlash ta'lim muassasasining nomi)

da

soatga mo'ljallangan

(Qayta tayyorlash kursining nomi)

kursida ta'lim olib, _____
_____ mavzusida bitiruv ishini Yakuniy
attestatsiya komissiyasida _____ bahoga himoya qildi va
qayta tayyorlash o'quv kursini muvaffaqiyatli tamomladi

Attestatsiya
komissiyasi raisi

Direktor

muhr o'rni

(sana)

Qayd raqami _____

Қайта тайёрлаш ҳақида давлат намунасидаги дипломнинг ТАВСИФИ

Қайта тайёрлаш тўғрисидаги диплом А4 форматли оқ қоғозда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун – қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, кизил рангларда, фон учун – оч пушти рангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Давлат герби, паст қисмида эса – 35 мм ўлчамли иккита квадрат кўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 30 мм диаметрли оқ айлана жойлашган.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI. Qayta tayyorlash haqida DIPLOM» сўзлари босилади. Диплом икки лотин ҳарфи – QT ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч пушти ранг фонда босиб чиқарилади.

Диплом:

- босиб чиқаришнинг икки усули – офсет ва юқори усули;
- ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очик ранглар;
- нақшли растр;
- ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;
- махсус қоғозлар;
- ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олтита ҳимояга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви Академияси
қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтида ташкил этиладиган қайта
тайёрлаш ва малака ошириш курсларига
қўйиладиган давлат талабларига
2-илова

Ўзбекистон Республикасининг
герби
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
Malaka oshirish
haqida

SERTIFIKAT
MO № 000000

_____ (Tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)
20 ___ yil “ ___ ” _____ dan 20 ___ yil “ ___ ” _____ gacha
_____ da

_____ (Malaka oshirish ta'lim muassasasining nomi)

_____ jami _____ soatli

_____ (Malaka oshirish kursining nomi)
bo'yicha malakasini oshirdi.

Direktor _____

muhr o'rni

_____ (sana)

Qayd raqami _____

Малака ошириш ҳақида давлат намунасидаги сертификат ТАВСИФИ

Малака ошириш тўғрисидаги сертификат А4 форматли оқ қоғозда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун – қора рангда, расмлар тасвири учун – яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун – оч кул рангда босиб чиқарилади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Давлат герби, паст қисмида эса – 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 30 мм диаметрли оқ айлана жойлашган.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI. Malaka oshirish haqida SERTIFIKAT» сўзлари босилади. Сертификат икки лотин ҳарфи – МО ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч кул ранг фонда босиб чиқарилади.

Сертификат:

- босиб чиқаришнинг икки усули – офсет ва юқори усули;
- ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очиқ ранглар;
- нақшли растр;
- ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;
- махсус қоғозлар;
- ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олтита химояга эга.

